Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 28 (313) • 2011 йил 12 июль

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 57 200 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 111 875 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 57 200 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 111 875 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 68 645 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси***
***Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 7 июль.*

## *ТАЪЛИМ ТИЗИМИ:*
## АХБОРОТЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази тизимларида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунлари муҳокама этилди.***



Мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Шу туфайли биргина 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди.

Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази тизимларида Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда уларни таълим жараёнига татбиқ этиш ва такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Жумладан, ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва Интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида «Электрон таълим» миллий тармоғини барпо этиш, мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш юзасидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Таълим муассасаларини компьютерлар техникаси билан таъминлаш даражаси ҳам ўсиб бормоқда. Биргина 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати 6 миллион АҚШ долларилик 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланган, 750 дан зиёд қишлоқ мактаблари замонавий ўқув лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланган. 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларидан иборат бўлган

2-бетда

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

NORMA
www.norma.uz

### БОЖХОНА БОЖЛАРИНИНГ ЯНГИ СТАВКАЛАРИ

**Президентнинг 2011 йил 28 июндаги «Товарлар импортини божхона-тариф жиҳатдан бошқаришни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1560-сон қарори билан 2011 йил 1 августдан бошлаб айрим озиқ-овқат турлари (парранда гўшти, колбаса, пишлоқ ва творог, ширин қилувчи қўшимчалар қўшилган нон-булка маҳсулотлари ва бошқалар), лампалар (чўғланувчи ва газ разрядли) ва бошқа товарларга импорт божхона божларининг янги ставкалари белгиланади.**

Белгиланишича, 2011 йилнинг 1 июлига қадар «вақтинчалик сақлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни 2011 йилнинг 1 октябригача эркин муомалага чиқаришда Президентнинг 2009 йил 5 августдаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1169-сон қарори билан тасдиқланган ставкалар қўлланади. Бироқ 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб «вақтинчалик сақлаш» режимидан эркин муомалага чиқариладиган мазкур товарларга ҳам ушбу қарор билан тасдиқланган импорт божхона божлари қўлланилади.

ДБҚга олиб кирилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви бўйича ўрнатилган тартибга қатъий риоя этилишини таъминлаш ва уларнинг қонунга хилоф равишда олиб кирилишига йўл қўйилмаслиги ва божхона тўловлари тўғри ҳисобланиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш топширилди.

### ҚАНЧА КИШИ ЎҚИШГА КИРАДИ?

**Президентнинг 2011 йил 4 июлдаги «2011/2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» ПҚ-1564-сон қарори билан бакалаврларни (шу жумладан махсус сиртқи бўлимларда) ҳамда магистрларни тайёрлаш учун 2011/2012 йилга қабул квоталари белгиланди ва қабул бўйича давлат комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.**



Республика олий ўқув юртлари 62 минг нафардан зиёд талабаларни қабул қилади *(ўтган йили ҳам амалда шунча талаба қабул қилинган)*, улардан 56 607 нафари (шу жумладан давлат грантлари бўйича – 19 560 киши, тўлов-контракт асосида – 37 047 киши) бакалавриатга қабул қилинади. Магистратуралар учун квота 5 880 кишини (1 566 киши – давлат грантлари бўйича ва 4 314 киши – тўлов-контракт асосида) ташкил қилади.

Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот бўлими бакалавриати сиртқи бўлимига қабул квотаси давлат грантлари бўйича 65 кишини ташкил қилади. Тошкент ахборот технологиялари университетининг бакалавриати сиртқи бўлимига 50 та талаба (15 киши – давлат грантлари бўйича, 35 киши – тўлов-контракт асосида) қабул қилиниши мўлжалланган.

Ҳужжат билан 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастурига мувофиқ келувчи **Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янги классификатори** тасдиқланди. Бир-бирига боғлиқ фанларни бирлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада талабгир бўлмаган фанларни чиқариб ташлаш ҳисобига бакалавриат ўқув йўналишлари сони 228 дан 165 га ҳамда магистратура мутахассисликлари сони 1 200 дан 447 тагача қисқартирилди.

### ДАВЛАТ БОЖИ КАМАЙТИРИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 июндаги 190-сон қарори билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурини бажариш юзасидан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди.**

Уларга биноан Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган ҳудудий базаларни адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи став-

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-бет — Таълим тизимида ахборотлаштириш: сифат ва сон
3-бет — Корхона қандай тугатилади?
4-бет — Ишлаётган пенсионердан савол
5-бет — НКМ, терминал ва савдо қоидаларига доир

$1 = 1716,82 сўм €1 = 2454,12 сўм £1 = 2760,47 сўм ¥10 = 212,71 сўм

Эълон

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ЎРНАТИЛДИ**

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача





Телефон:

**200-00-59**

уяли телефондан +99871

стационар телефондан 8371

Хизматлар бепул

# ТУЗАТИЛГАНИГА ИШОНИЛСИН

***Ходима турмушга чиқди. Унинг меҳнат дафтарчаси титул варағидаги аввалги фамилиясини турмушга чиққанидан кейин олган фамилиясига ўзгартиришмади. Бизга янги фамилияси билан ишга келди, бироқ бу пайтга келиб у эри билан ажралиб бўлган эди. Фамилиясини қайтадан ўзгартириб ўтирмади. Фамилиясини ўзимиз ўзгартириб, тузатишни ўз муҳримиз билан тасдиқлай оламизми ёки буни аввалги корхона қилиши керакми? Гап шундаки, у ишлаган корхона тугатилган, улар энди ҳеч нарсани ўзгартира олмайдилар. Бу ҳолда нима қилиш керак? Агар фамилиясини ўзимиз тузата олсак, биз ходимадан қандай ҳужжатларни талаб қилишимиз керак? Никоҳни бекор қилиш гувоҳномаси кифоя қиладими ёки ФҲДЁдан никоҳ қайд этилгани ва бекор қилингани тўғрисида маълумотномалар олиши лозимми? Бизнинг вазиятда тузатишлар киритиш бўйича даъво қилиш муддати мавжудми?***

***Е.Абубакирова,***
***«Ўзмедэкспорт» давлат корхонаси бухгалтери.***

– **Корхонангизнинг ўзи белгиланган шакл бўйича тузатиш киритиб, ёзувни ўз муҳри билан тасдиқлашга ҳақлидир.** Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг[1] 2.11-бандига мувофиқ меҳнат дафтарчасида фамилия ёзувларини охирги иш жойидаги иш берувчи ҳужжатнинг рақами ва берилиш санасини кўрсатган ҳолда паспорт (ФҲДЁ бўлими штампида кўрсатилган никоҳни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар) ёки никоҳни қайд этиш гувоҳномаси асосида ўзгартиради. **Меҳнат дафтарчасига тузатиш киритиш бўйича даъво қилиш муддати қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.**

**Иш берувчи ходиманинг мурожаатига биноан тузатишни киритади.** Уни эркин шаклда тузилган ёзма ариза билан расмийлаштирган маъқул.

Тузатиш меҳнат дафтарчасининг биринчи саҳифасига киритилади. Аввалги фамилия устига битта чизиқ тортилади ва янгиси ёзилади. **Никоҳни қайд этиш гувоҳномасидан кўчирма** муқованинг ички томонига ёзилади, **корхона раҳбари** ёки у махсус вакил қилган шахс (кадрлар бўлими бошлиғи ёки кадрлар бўйича инспектор) **имзоси** ҳамда **корхона ёки кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланади.**

*[1]Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

# КОРХОНА ҚАНДАЙ ТУГАТИЛАДИ?

***1. Ҳокимнинг қарорига кўра Олой бозори ҳудудидаги хусусий корхонага тегишли бўлган бинонинг бузилиши муносабати билан корхона амалда ўз фаолиятини тугатди. Бинобарин товарларни чакана сотиш учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга хоналарни ижарага бериш унинг бирдан-бир фаолият тури эди. Ҳозир фаолиятни давом эттиришдан маъно йўқ, зеро бизга бошқа бино ажратишмади, қоплам пули тўлашмади, Сергели даҳасининг олис ҳудудидан бўш ер участкаси олиб, у ерда ўз ҳисобимиздан бино қуришимизни таклиф қилишди. Ер участкаси бизнес юритишимиз учун ноқулай ерда жойлашганлиги, корхонада қурилиш учун маблағ йўқлиги боис мулкдор хусусий корхонани тугатишга қарор қилди. Ушбу таомилни нимадан бошлаш лозим? Тугатиш учун қандай ҳужжатларни тайёрлаш керак? Тугатиш қанча вақт давом этиши мумкин?***

***Кўчмас мулклари бузилганидан азият чеккан бошқа корхоналар билан биргаликда бино бузилиши натижасида етказилган зарарни ундириш учун судга мурожаат қилиш керакми ёки алоҳида мурожаат қилса бўладими?***

***2. ХКни тугатиш масаласи ҳал қилингунга қадар директор ўзига ҳар ойда ЭКИҲнинг бир баравари миқдорида иш ҳақи ёзилишини ва бошқа ташкилотга ўриндош бўлиб ишга жойлашишни хоҳлаяпти. Бунга рухсат бериладими? Агар берилса, бу ҳақдаги маълумотларни меҳнат дафтарчасига киритиш лозимми?***

***3. Зарар кўриб ишлаётган фирма бор. Чет эллик муассислар уни тугатишга қарор қилишди. Бошланғич устав фонди 10 000 АҚШ долларини ташкил қилган, у молия-хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида сарфланган. Балансда қайд этилган мол-мулкдан ҳозир фақат қиймати 700 минг сўм бўлган компьютер қолган. Ҳисоб-китоб рақамида пул маблағлари ҳам йўқ. Муассислар қўйган пулларини қандай қилиб қайтариб оладилар? Ёки қайтариб олмайдиларми?***

**С.Муродова,**
**«Зиёда Камола» ХК бош бухгалтери.**

– **1.** Хусусий корхонани ихтиёрий тугатиш таомили Фуқаролик кодексининг *(бундан кейин – ФК)* 53–56-моддалари, Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом[1] *(бундан кейин – Низом)* билан тартибга солинган.

**Тугатиш учун мулкдорнинг** яккабошчилик асосида қабул қилинган ва имзоланган **қарори зарур** *(«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг[2] 28-моддаси).* Унда, хусусан, қуйидагилар кўрсатилади:

корхонанинг тўлиқ номи;

тугатувчи (агар мулкдорнинг ўзи тугатиш билан шуғулланмаса, балки ушбу мақсадлар учун бошқа шахсни тайинласа), унга топшириладиган ҳаракатлар рўйхати ва ижро этиш муддатлари;

тугатиш таомилларини ўтказиш тартиби ва муддатлари.

Тугатиш сабабларини қарор матнига киритиш мумкин.

**Бундан кейинги ҳаракатлар:**

**1)** тугатиш тўғрисида рўйхатдан ўтказиш инспекцияси хабардор қилинади, у ерга мулкдор қарорининг нусхаси юборилади;

**2)** талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобрақами *(бундан кейин – асосий ҳисобрақам)* очилган хизмат кўрсатувчи банк хабардор қилинади, унга қарор нусхаси ҳамда тугатувчи имзолари намуналари ва муҳрининг изи бўлган, нотариал тасдиқланган карточкаларнинг 2 нусхаси юборилади. Агар корхонада бошқа банкларда очилган иккиламчи депозит ҳисобрақамлари мавжуд бўлса, уларга ҳисобрақамларни ёпиш ва улардаги маблағлар қолдиқларини асосий ҳисобрақамга ўтказиш тўғрисида ариза-топшириқ юбориш лозим;

**3)** ХК активлари (мажбуриятлари) инвентаризация қилинади, далолатнома тузилади;

**4)** корхона кредиторлари хабардор қилинади (почта орқали ёки курьер юбориб);

**5)** даврий босма нашрда (газетада) тугатиш тўғрисидаги маълумотлар чоп этилади;

**6)** оралиқ тугатиш баланси тузилади ва мулкдорнинг қарори билан тасдиқланади;

**7)** белгиланган тартибда дебиторлардан қарзлар ундирилади, кредиторлар билан, шу жумладан солиқ мажбуриятлари бўйича, ҳисоб-китоб қилинади, мулкдорга барча ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулк топширилади;

**8)** тугатиш баланси тузилади ва у солиқ инспекциясига топширилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома олинади;

**9)** корхонанинг асосий ҳисобрақами очилган банкка уни ёпиш тўғрисида ариза-топшириқ билан мурожаат қилинади, асосий ҳисобрақам ёпилганлиги тўғрисида маълумотнома олинади;



**10)** давлат архивига корхонанинг барча бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари топширилади, бу ҳақда маълумотнома олинади;

**11)** рўйхатдан ўтказиш инспекциясига корхонани давлат реестридан чиқариш учун мурожаат қилиниб, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисида бир ёки бир нечта даврий босма нашрда чоп этилган эълон;

давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномаси;

ҳисобрақамлар ёпилганлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

корхонанинг муҳр ва штамплари;

барча лицензия (рухсатнома)ларнинг асл нусхалари (агар бор бўлса);

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органининг маълумотномаси;

корхона ҳужжатлари давлат архивига топширилганлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Хусусий корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий чизмаси ана шундай. Ҳар бир аниқ ҳолда муайян жиҳатлар ва деталлар алоҳида ҳисобга олинади[3].

**Юридик шахсни ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб 9 ойдан ошмаслиги керак.** Ушбу таомилнинг ҳақиқатда қанча вақт давом этиши кўп омилларга: кредиторлар (дебиторлар) сони, кредиторлик (дебиторлик) қарзи ҳажми ва уни узиш интенсивлиги, солиқ инспекцияси томонидан текшириш ўтказишга ҳақиқатда сарфланган вақт, тугатишнинг умумий чизмасида кредиторлар (дебиторлар) билан эҳтимолий низоларни, шу жумладан суд тартибида, ҳал қилиш сингари қўшимча босқичларнинг мавжудлиги ва ҳоказоларга боғлиқдир. Масалан, агар корхонада амалда ҳеч қандай мол-мулк бўлмаса, қарзлари йўқ ва ҳеч ким ундан қарздор бўлмаса, солиққа доир текшириш тез, ҳеч қандай муаммо ва мушкулликларсиз ўтган бўлса, тугатишни икки ой мобайнида якунлаш мумкин. Агар корхонанинг катта ҳажмдаги кредиторлик ёки дебиторлик қарзи бўлиб, бир қисмини контрагентлар низолашаётган, унинг ҳисобрақамида солиққа доир қарзни узиш, молиявий санкцияларни тўлаш учун пул маблағлари етарли бўлмаса, маблағ йиғиш учун ликвид мол-мулк сотилаётган бўлса, бунда тугатиш даври анчага чўзилади. Шунга эътибор қаратиш муҳимки, агар 9 ойлик муддат ўтгунча кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилмаса, ихтиёрий тугатиш тўхтатилади ва таомилни янгидан бошлаш лозим бўлади *(Низомнинг 37-банди).*

**Кўчмас мулк бузилиши натижасида зарар етказилган ҳар қандай корхона ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун хўжалик судига даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир**. Мазкур ҳуқуқ Хўжалик процессуал кодексининг 1-моддаси билан берилган.

**2.** Ҳа, **хусусий корхона директори меҳнат шартномасини тузиб, бошқа ташкилотга ўриндошлик бўйича ишга жойлашишга ҳақлидир** *(Меҳнат кодекси 72-моддасининг тўртинчи қисми, бундан кейин – МК).*

**Ўриндошлик бўйича ишлаш даврини қайд этиш мажбурий эмас,** меҳнат дафтарчасига ходимнинг хоҳишига қараб Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномада[4] назарда тутилган тартибда ёзув киритилади *(МК 81-моддасининг учинчи қисми)*[5].

**3.** Балансда қайд этилган натура шаклидаги мол-мулк ёки уни реализация қилишдан олинган пул маблағлари, шунингдек кредиторлар билан барча ҳисоб-китоблар якунлангандан ҳамда корхонада солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган, дебиторлик қарзидан ундирилган пул маблағлари (бошқа мол-мулк) муассислар ўртасида тақсимланиши керак *(ФК 55-моддасининг тўққизинчи қисми).* Тегишинча, агар тугатиш пайтига келиб пул маблағлари ҳам, бошқа мол-мулк ҳам қолмаса, муассислар ҳеч нарса олишмайди ва **тугатиш уларга тегишли тўловлар тўланмасдан якунланади.**

***Телефон орқали саволларга «Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.***

*[1]Президентнинг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[2]2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон.*

*[3]Хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисида ҳужжатларнинг зарур намуналари илова қилинган ҳолда батафсил тушунтиришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.*

*[4]Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[5]Меҳнат дафтарчаларини тўлдириш тартиби тўғрисида ёзувларнинг намуналари ва мисоллар илова қилинган ҳолдаги батафсил тушунтиришлар «Иш берувчига қўлланма» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.*

Реклама

NORMA

ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ



ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Реклама

NORMA ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

# ТЕКШИРУВ УЧУН БЕШ ЙИЛ

***Бизнинг ташкилотимизда еттинчи йилдирки солиқ текшируви ўтказилмаяпти. Бу йил ҳам уни ўтказиш нияти йўққа ўхшайди. Агар кейинги йили бизни текшириш учун келишса, улар ўтган бутун етти йилдаги фаолиятни текширишадими ёки фақат бевосита текширувдан олдинги беш йилнимиз? Биз етти йилнинг ҳаммаси учун ҳисобот ҳужжатларини сақлашимиз керакми ёки олтинчи ва еттинчи йилларга оидларини архивга топширсак бўладими?***

**Н.Кобзева,**
**бош бухгалтер.**

– **Текширувчилар солиқ тўловчининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпи билан 5 календарь йилдаги фаолиятини текширишга ҳақлилар** *(Солиқ кодекси 91-моддасининг тўққизинчи қисми, бундан кейин – СК).* Олтинчи, еттинчи ва улардан олдинги календарь йилларни режали тартибда текширишга энди улар ҳақли эмаслар.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчида солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида сақланади *(СКнинг 47-моддаси)*, у солиқ даври тугаганидан кейин 5 йилни ташкил қилади *(СКнинг 38-моддаси)*. Шу тариқа, **сиз фақат бундан олдинги 5 календарь йил учун солиқ ҳисоботини сақлашингиз керак,** улардан олдинги олтинчи ва еттинчи йиллар учун ҳисоботларни эса белгиланган тартибда архивга топшира оласиз.

# ВАЛЮТА ТУШУМИНИ СОТИШ ТЎҒРИСИДА

***Қурилиш компанияси (кичик корхона) норезидент хорижий компания учун ишлар бажариш ниятида. Қурилиш Ўзбекистонда олиб борилади. Шартномада ишларга чет эл валютасида ҳақ тўланиши назарда тутилган. Уларнинг 80%ини ўз кучларимиз билан бажаришни режалаштиряпмиз, қолган ишларга эса бошқа ташкилотлар – ёрдамчи пудратчиларни жалб этамиз. Биз мазкур ҳолда валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинамизми? Агар озод этилмасак, қанча ҳажмини сотишимиз керак: шартномада назарда тутилган барча ҳажмини ёки фақат ёрдамчи пудратчиларнинг кучлари билан бажариладиган 20%инимизми?***

***Биз валютани сотмай, балки уни ўз эҳтиёжларимиз учун сарфлаймиз, дейлик. Экспорт валюта тушумини мажбурий сотмаганлиги учун корхона ва унинг мансабдор шахслари учун санкциялар борми? Кейин бизни мажбурий сотишга мажбур этишлари мумкинми? Ўша пайтда, ҳисобрақамимизда валюта маблағлари йўқ бўлса, бундай ҳолда нима бўлади?***

**А.Насриддинов,**
**ижрочи директор.**

– **Сиз валюта тушумини ўзингиз жалб этган ёрдамчи пудратчиларнинг кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан мажбурий сотишингиз шарт. Ўз кучингиз билан бажарилган ишлар ҳажмидан** олинадиган валюта маблағларига келсак, **корхонангиз мажбурий сотишдан озод этилган** *(Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби[1] 3-бандининг «е» кичик банди).*

**Валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотмаслик** одатда ундан бўйин товлаш деб ҳисобланади ва **корхона раҳбарига энг кам иш ҳақининг 8 бараваридан 12 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади** *(Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 171-моддасининг иккинчи қисми, бундан кейин – МЖТК).* Ушбу ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Сизни мажбурий сотишга мажбур этишлари мумкин. **Назорат қилувчи органнинг кўрсатмасига кўра корхона валюта тушумининг бир қисмини сотишга мажбур** *(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун[2] 17-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси).* Жорий валюта маблағлари бўлмаган тақдирда сиз сотилмаган ҳажмларни бошқа валюта тушумларидан қоплашга мажбур бўласиз, агар бундай тушумлар мавжуд бўлмаса – банкка конвертация қилишга буюртма бериб, кейинроқ олинган маблағларни мажбурий сотиш бўйича талабларни бажариш тартибида қайтадан реализация қилиш лозим. **Кўрсатма бажарилмаган тақдирда эса раҳбар** МЖТКнинг 198-моддаси бўйича (ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаганлик) **ЭКИҲнинг 1 бараваридан 2 бараваригача миқдорда жаримага тортилиши мумкин.** Маъмурий санкцияларни тўлаш валюта маблағларини сотиш бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

*[1]ВМнинг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 245-сон қарорига 1-илова.*
*[2]1998 йил 24 декабрдаги 717-I-сон.*

***Телефон орқали саволларга «Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.***

# ПЕНСИОНЕР ИШЛАЁТГАН ҲИСОБЛАНАДИ

***«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2011 йил 15 мартдаги 10-сонида пенсионернинг бир марталик шартномалар бўйича штатдан ташқари мухбирлик фаолияти билан шуғулланса, ундан пенсиянинг 50 фоизи ушланадими деган саволига «Norma» МЧЖ юрисконсульти Мария Тухтарованинг жавоби чоп этилган эди.***

***Савол берган пенсионер ишлайдиган пенсионер эмас, балки пулли хизматлар кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи бўлади, бироқ ходим деб ҳисобланмайди. Унга мақола ёки лавҳа тайёрлашни топширадиган тараф эса иш берувчи эмас, балки буюртмачи ҳисобланади. Шу боис мазкур пенсионер пенсияни 100% миқдорида олишга ҳақлидир. Юрисконсульт фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани меҳнат шартномасидан фарқламаган ва шу боис хатога йўл қўйган.***

**Ф.Абдуллаева,**
**«Республика синаш ва сертификатлаштириш маркази» ИК юрисконсульти.**

РАСМИЙ ЖАВОБ

– Сизнинг 2011 йил 20 июндаги, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга кўра даромадлар олувчи пенсионерларга пенсия тўлаш масаласи бўйича 132-сон хатингизга жавобан шуни маълум қиламизки, Ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг[1] *(бундан кейин – 2222-сон Низом)* 8-бандига мувофиқ ишга кирганда, **меҳнат шартномаси (контракти)нинг муддати ва шартларидан қатъи назар,** ишлаётган пенсионерларга пенсия, пенсионер тўлиқ ёки тўлиқсиз иш кунида бандбўлишидан қатъи назар, уларга тайинланган пенсиянинг 50%и миқдорида тўланади.

Пенсиялар тўлиқ миқдорда (100%) 2222-сон Низом 2-бандининг «а–е» кичик бандлари бўйича имтиёзли тоифадаги ишлайдиган пенсионерларга тўланади.

***Ш.МАНСУРОВ,***
***Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари.***

ЮРИСТ-ЭКСПЕРТИМИЗ ЖАВОБИ

– Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, «Пенсионер ишлаганда қанча пенсия олади?» материалининг биринчи хатбошисидаёқ шартноманинг фуқаролик-ҳуқуқий тусдалиги кўрсатилган эди: *«меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёки **бошқа манбалардан даромад** олаётган **(фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича,** хусусий тадбиркорлик ёки фермер (деҳқон) хўжалигидан) пенсионерларга пенсия 50% миқдорида тўланади, бундан шахсларнинг айрим имтиёзли тоифаси мустасно».*

Апрель ойининг охирида янги 2222-сон Низом қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда ҳам, ундан аввалгиларида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлаётган пенсионерлар тўғридан-тўғри кўрсатилмаган.

Ҳозирги вақтда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ишлар (хизматлар)нинг моҳияти умуман белгиланмаган. Уларга қисман тадбиркорлик ҳамда меҳнат фаолиятининг аломатлари киради, бироқ расман улар на унисига, на бунисига киритилган. Амалиётда Пенсия жамғармаси бўлимлари фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлаётган пенсионерларнинг ҳам пенсиясини 50%га қисқартирадилар. Бунинг боиси шуки, биринчидан, 2222-сон Низом нафақат меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган шахсларга, балки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга ҳам татбиқ этилади; иккинчидан, амалдаги қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича олинган даромадларни меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларга киритади *(СКнинг 172-моддаси).* Пенсионерга қонун ҳужжатлари ва амалдаги иш фаолиятининг таҳлилига асосланиб жавоб берилган эди.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлаётган шахсларга пенсия тўланишини шакллантган амалиётга қараб эмас, балки ҳуқуқий даражада тартибга солиш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*[1]МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ ва ДБҚнинг АВ томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

# БОЛА УЧУН НАФАҚА – ПЕНСИОНЕРГА



***Мен пенсионерман, бироқ ишлаяпман. Муомалага лаёқатсиз (руҳий бемор) қизим яқинда фарзандли бўлди. Туққандан кейин у яна доимий даволанишга қайтди, бола эса менда қолди. Болани парвариш қиларканман, мен корхона маъмуриятига бола 2 ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш нафақасини тўлаш илтимоси билан мурожаат қилдим. Бироқ иш берувчи менга уни тўлашдан бош тортяпти ва ушбу масалани ҳал қилиш учун яшаш жойидаги идораларга юборяпти. Мен нафақа олиш ҳуқуқига эгаманми?***

**Пенсионер аёл.**

– Меҳнат кодекси *(бундан кейин – МК)* 234-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ болани парвариш қилиш учун бериладиган таътиллардан боланинг отаси, **бувиси,** буваси ёки **болани амалда парваришлаётган** бошқа қариндошлари фойдаланишлари мумкин.

Ҳақиқатда ҳам болани парваришлаётганингизни тасдиқлаш учун сиз яшаш жойингиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилишингиз мумкин, унинг ходимлари қўшнилардан сўраб-суриштириб, қизингизнинг даволаниши ва тарбия қилмаслиги ҳолатларининг сабабларини ўрганиб далолатнома тузишлари керак, унда болани ҳақиқатда сиз парвариш қилаётганингиз кўрсатилиши лозим. Ана шундай далолатнома, болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш тўғрисида ариза ва бола туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхасини олиб, сиз иш берувчингизга мурожаат қилишингиз керак. Она ўрнини босаётган ишловчи шахсларга нафақа тўлаш тартиби Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом[1] билан белгиланади.

Нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан олдин бўлмаган муддатдан тайинланади, у ҳар ойда меҳнат стажидан қатъи назар ЭКИҲнинг 200%и миқдорида тўланади.

Ишлаётган шахсларга болани парвариш қилиш нафақаси иш жойида **ушбу корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.** Ушбу маблағлар давр харажатларига киради ва юридик шахсларнинг фойдаси бўйича солиқ солинадиган база улар суммасига камайтирилади.

**Болани ҳақиқатда парвариш қилаётган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин** *(МК 234-моддасининг тўртинчи қисми).* Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Мазкур нафақани тўлаш бобида сизга ноқонуний рад жавоби берилганда сиз бундай рад этиш хусусида суд тартибида шикоят қилишингиз мумкин. Мансабдор шахснинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади *(МЖТКнинг 49-моддаси).*

*[1]МАИМҚВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

***Жавобларни «Norma» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.***

# ХОНАДОНЛАРГА НКМ БИЛАН

***Корхонамиз озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўз дўконимиз йўқ. Реализацияни кўпайтириш учун аҳолига маҳсулотни интернет-дўкон орқали сотишга қарор қилинди, яъни товар харидорларнинг буюртмалари бўйича кўрсатилган манзилга етказиб берилади ва нақд пул билан ҳақ олинади.***

***Корхонамиз аҳоли билан касса аппаратини қўлламасдан пулли ҳисоб-китоб қилишига рухсат берилган фирмалар сирасига кирмаслиги боис, мазкур ҳолда НКМдан қандай фойдаланишимиз кераклигини тушунтириб берсангиз.***

***1. Касса аппаратини ўзимиз билан олиб бориб, бевосита харидор ёнида чек уришимиз мумкинми? Ёки харидорга товар чекини бериб, пул маблағларини корхонага келиб кассага топширишимиз керакми?***

***2. Маҳсулотни сотилган товар учун пулни корхона кассасига тўлайдиган жисмоний шахсга (якка тартибдаги тадбиркорга) комиссияга берса бўладими?***

**М.Раҳматуллаев,**
**«An-Naafi va baraka» МЧЖ бош директори.**

– **1.** Аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида низомга[1] мувофиқ аҳоли билан ҳисоб-китобларни нақд пулга, шунингдек банк пластик карточкалари бўйича амалга оширадиган корхоналар харидорга НКМ ёки тўлов терминалининг чекини беришлари керак. Бинобарин, товар харидорга етказиб берилаётганда **ўзингиз билан НКМ олиб боришингиз лозим, чунки чекни бевосита харидор ёнида уришингиз керак.** Акс ҳолда бу аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш талабларига риоя қилмаслик деб ҳисобланади.

**2.** Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари[2] 3-бандининг учинчи хатбошисига кўра воситачилик савдоси – чакана савдо фаолияти тури бўлиб, воситачилар томонидан уларга комиссия шартномалари бўйича реализация қилиш учун берилган товарлар сотилишини тақозо этади. Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида[3] чакана савдо назарда тутилган. Бинобарин, **якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан комиссияга берилган товарларнинг реализация қилиниши қонунга мувофиқдир.**



[1]*МВ, МБ, ДСҚ ва АВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*
[2]*ВМнинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-илова.*
[3]*ВМнинг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-илова.*

# ЯККАБОШЧИЛИК АСОСИДАГИ БИТИМ

***Кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбарларидан бири корхона номидан қурилиш-пудрат шартномасини тузган ҳолда мустақил равишда қурилиш-монтаж ишларини бажармоқчи. Бироқ бошқа раҳбарлар мазкур шартномада қатнашишни хоҳламаяптилар.***

***Корхона раҳбариятининг аъзоларидан бири мазкур шартномани тузиб, мазкур объект учун тўлиқ жавобгарликни фақат ўз зиммасига олиб, бажариладиган ишлар, материаллар ва бошқа харажатлар учун бирдан-бир жавобгар шахс сифатида ҳаракат қилиши мумкинми?***

***Бунда мазкур объект учун раҳбариятнинг бошқа аъзоларидан жавобгарликни соқит қилиш мақсадида қандай ҳужжатларни расмийлаштириш лозим?***

**Корхона дирекцияси.**



– Сўз коллегиал ижроия органи аъзоси тўғрисида бораётган бўлса керак. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг[1] 86, 87-моддаларига, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг[2] *(бундан кейин – 310-II-сон Қонун)* 40-моддасига мувофиқ **коллегиал ижроия органининг аъзоси:**

**жамият уставида;**

уларнинг ҳар бири жамият билан тузадиган **меҳнат шартномасида;**

**ички ҳужжатларда** (Коллегиал ижроия органи тўғрисидаги низом ва ҳоказолар) **қайд этилган ҳаракатларни жамият номидан содир этиши мумкин.**

Агар юқорида кўрсатилган ҳужжатларда битимни яккабошчилик асосида амалга ошириш ҳуқуқи коллегиал орган аъзоларидан бирига жавобгарликни зиммасига юклаган ҳолда берилса, у бундай қила олади. Акс ҳолда у битимни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли бўлмайди.

Битим юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан ваколат берилмаган коллегиал орган аъзоси томонидан амалга оширилса, бошқа аъзолар унинг устидан суд тартибида шикоят қила оладилар.

Кўрсатилганлардан бошқа ҳужжатлар назарда тутилмаган.

[1]*1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сон.*
[2]*2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон.*

# ФАҚАТ ТЕРМИНАЛ ОРҚАЛИ

***Озиқ-овқат маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилишга ихтисослашган корхона (лицензияга эга) сотувларининг бир қисмини компания офисида жойлашган тўлов терминали орқали амалга оширади. Чакана савдо дўконига ҳам, бошқа савдо майдонларига ҳам эга эмас.***

***Бу ҳолатда терминал орқали юридик шахслар, хусусий тадбиркорлар ёки жисмоний шахслар номига сотишда бирор-бир расмий чеклашлар мавжудми?***

**А.Бурнаев,**
**корхона директори.**

– Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом[1] *(бундан кейин – 407-сон Низом)* 2-бандининг учинчи хатбошисига биноан улгуржи савдо деганда тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш тушунилади.

**Чакана савдо билан шуғулланадиган юридик шахслар ва турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо билан шуғулланадиган жисмоний шахсларга улгуржи сотишда шартномаларга харидор рўйхатга олинган жойдаги солиқ органининг унда турғун савдо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказганлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилиниши керак.**

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомнинг[2] 84-бандига мувофиқ пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг[3] 6-бандига кўра якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин:



а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан, қурилиш материаллари), ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик суви, оқава, электр энергияси, газ ва чиқиндиларни олиб кетганлик учун тўловлар);

в) ижара тўловлари;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;

д) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун.

Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг[4] 6-бандига мувофиқ Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда[5] назарда тутилган харажатларни тўлаш учун юридик шахслар савдо ва сервис корхоналарида миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

**Юқорида баён этилганлардан келиб чиқилса, сиз учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга сотиладиган товарларга терминал орқали ҳақ тўлаш бўйича чеклашлар йўқ.**

Жисмоний шахсларга келганда, қонун ҳужжатларида мазкур масала тартибга солинмаган. Пластик карточка нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш воситаси эканлигини ҳисобга олганда, улгуржи савдо ташкилоти билан жисмоний шахс ўртасида шартнома мавжуд бўлиб, товарларга пластик карточка орқали ҳақ тўланганда ҳуқуқбузарликка йўл қўйилган деб ҳисобланмайди. Бироқ 407-сон Низомда улгуржи сотувчилар билан жисмоний шахслар ўртасида битимларни амалга оширишга нисбатан талаблар назарда тутилмаган.

[1]*ВМнинг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган.*
[2]*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
[3]*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
[4]*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
[5]*ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.*

# ИККИ ФИРМАДА БИТТА НЕКСИЯ

***Бизнинг А ва В фирмаларимиз бор. Уларни биргина шахслар таъсис этганлар. Биз тугатишни хоҳлаган А фирмасининг балансида «Нексия» автомашинаси қайд этилган.***

***1. Тугатиш олдидан мазкур автомобилни В фирмасининг устав фондига киритишимиз ва А фирмасини унинг муассислари орасига қабул қилишимиз мумкинми?***

***2. Тугатгандан кейин А фирмасининг улушини В фирмаси муассислари ўртасида тақсимлай оламизми?***

***3. В фирмаси мазкур автомобилни рўйхатдан ўтказиш ва бундан кейин ундан автотранспорт воситаси сифатида фойдаланишга ҳақлими?***

**Я.Оганов,**
**«ARGAGEL» МЧЖ директори.**



– **1. Ҳа, мумкин.** Муассис ҳисобланган ташкилот унга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган автомобилни бошқа ташкилотнинг устав капиталига бериши мумкин.

**2.** А фирмаси тугатилишида 310-II-сон Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ В фирмаси унинг улушига эга бўлса, **улуш қолган иштирокчилар ўртасида уларнинг устав фондидаги иштирокига мутаносиб равишда тақсимланади.** Агар сиз улушни бошқача тарзда тақсимлашни хоҳласангиз, бу ҳолда қонун қуйидаги имкониятни назарда тутади: улуш барчага ёки В фирмасининг баъзи иштирокчиларига В фирмасининг ўзи ёки тугатилишига қадар А фирмаси томонидан сотилиши мумкин.

**3.** Машинани мулк қилиб олгач, **В фирмаси уни 10 кун мобайнида ЙҲХДХ органида қайта рўйхатдан ўтказиши шарт** (Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидаларининг[1] 5-банди).

[1]*ВМнинг 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарорига 1-илова.*

***Жавобларни «Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.***


**Реклама**

NORMA

Эксперт маълумотнома тизими

**КОРХОНА ЮРИСТИ**

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

# ЗАХИРАЛАНГАН ЛИМИТДАН НАҚД ПУЛ БЕРИЛМАЙДИ

***«Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК таркибий бўлинмаларидан бири бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда тепловозлар, электровозлар, юк вагонлари ва бошқа хил техникаларни таъмирлайдиган ягона корхона ҳисобланади. 2005 йилдан бошлаб у Президентнинг қарори билан Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига ҳамда темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастурига киритилган. Корхонада 1,7 минг нафардан зиёд юқори малакали ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар меҳнат қиладилар.***

***Вақти-вақти билан хизмат сафари (ишлаб чиқариш заруратига кўра) харажатларига бўнак бериш, меҳнат шартномаси бекор қилинганида ходимларга тегишли иш ҳақи тўлаш (Меҳнат кодексининг 110-моддасига кўра), ходимлар ёки улар оила аъзолари вафоти муносабати билан дафн қилиш учун моддий ёрдамга пул маблағлари олиш зарурати юзага келади.***

***Ишлаб чиқариш захираларини тўлдира бориб, корхона солиқ юки туфайли кўпинча 2-сон картотекага тушади.***

***Шу муносабат билан тушунтириб берсангиз, 2-сон картотекага эга бўлган корхоналар зарур эҳтиёжларнинг сарфланмаган лимитини қандай эҳтиёжларга ишлатишлари мумкин? Хусусан, хизмат кўрсатувчи банклар бундай вазиятда хизмат сафарларига бўнаклар бериш, вахта усули билан ишлаётган ходимлар учун овқатланишга компенсация тўловлари, меҳнат шартномаларини бекор қилиш чоғида ходимларга иш ҳақи тўлаш, дафн қилиш учун моддий ёрдам сингари мақсадларга нақд пул беришдан бош тортишга ҳақлимилар?***

**Н.Турсунов,**
**«Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг бош бухгалтери.**

– Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан нақд пул муомаласига доир ишни ташкил этиш бўйича йўриқноманинг[1] 33-бандига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга нақд пул тўлов ҳужжатларида кўрсатилган мақсадларга уларнинг депозит ҳисобрақамларидаги маблағлар доирасида берилади. Банклар хўжалик юритувчи субъектларнинг биринчи талабига кўра уларга нақд пул узлуксиз берилишини таъминлайди. Бунда нақд пул биринчи навбатда, хусусан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, нафақалар, хизмат сафари харажатларини тўлашга берилади.

Фуқаролик кодекси 784-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари; Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобрақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида йўриқноманинг[2] *(бундан кейин – 615-сон Йўриқнома)* 1.3-бандига кўра, юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) рақамида пул маблағлари етарли бўлмаганда ҳисобдан чиқариш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

**1) навбатдан ташқари** – ҳисобрақам эгасининг бевосита унинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғланган зарур эҳтиёжларига – 5%гача миқдорда. Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғланган зарур харажатлар рўйхатини хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб белгилайдилар;

**2) биринчи навбатда** (лимит белгиланиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамига келиб тушган маблағлардан зарур эҳтиёжларга маблағлар захира қилингандан кейин) – бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлар ва уларга тенглаштирилган талаблардан келиб чиқадиган тўловларни назарда тутадиган тўлов ҳужжатлари бўйича мутаносиб равишда.

Зарур эҳтиёжларга харажатлар ҳисобрақам эгасининг тўлов топшириқномалари билан, «Зарур эҳтиёжларга суммалар ҳисобига» ёзувини қайд этган ҳолда тўланади *(615-сон Йўриқнома 1.3-бандининг олтинчи хатбошиси)*.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомнинг[3] *(бундан кейин – 1122-сон Низом)* 24-бандида ҳам **зарур эҳтиёжлар суммалари ҳисобига маблағлардан фойдаланиш** 615-сон Йўриқномага мувофиқ **хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилиши** назарда тутилган. 1122-сон Низомнинг 20, 21-бандларига кўра тўлов топшириқномаси мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка маълум суммани ўзининг ҳисобрақамидан олувчининг ҳисобрақамига ўтказиш тўғрисидаги топшириғидан иборатдир. Улар билан **товарлар, ишлар, хизматлар учун ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши (шу жумладан белгиланган тартибда банк карточкаларига маблағларнинг ўтказилиши)** мумкин.



615-сон Йўриқноманинг 2.1 ва 2.3-бандларига мувофиқ харажатларга маблағларни ҳисобдан чиқариш биринчи навбатда бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ташкилотлар **мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини** таъминлаши керак. Нисбатлар ҳисоб-китоб қилинганда иш ҳақи ҳажмига, хусусан, меҳнатга доир ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар, ҳаёт ва саломатликка етказилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар, диний маросимларга нафақалар киритилади.

Баён этилган меъёрий-ҳуқуқий қоидалар муҳитидан келиб чиқилганда **2-сон картотекага эга корхоналар биринчи навбатда меҳнат муносабатлари бекор қилинган ходимларга иш ҳақи тўлаш, вахта усулида иш бажарадиган ходимларга овқатланиш қийматини қоплаш, дафн қилиш учун нафақа..., шунингдек хизмат сафари харажатларига маблағлар тўлашга ҳам нақд пул маблағларини олишга ҳақлилар. Захираланган лимитдан зарур эҳтиёжларга нақд пул маблағлари олиш назарда тутилмаган.**

***Артём МОКШИН,***
***«Norma» МЧЖнинг эксперт юридик хизмати бошлиғи.***

[1]*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 26 октябрда 1518-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
[2]*МБ ва МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*
[3]*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

# ХОРИЖДА САВДО УЙИ ОЧМОҚЧИМАН

***Ўзбекистон фирмаси Россияда Савдо уйини қандай қилиб очиши тўғрисидаги саволга батафсил жавоб олмоқчи эдим. Бунда қандай ҳужжатлар керак бўлади? Қайси идораларга мурожаат қилиш керак? Бунинг тартиби ва механизми қандай?***
**Директор.**

– Бунинг учун **корхонани хорижда юридик шахс сифатида ёки таъсис этиш мамлакатининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган бошқа шаклда рўйхатдан ўтказиш лозим.** Мазкур ҳолда Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари назарда тутиляпти. Уни барпо этиш учун **муассислар умумий йиғилишининг (мулкдорнинг) қарори керак** *(Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари томонидан хорижда корхоналар бунёд этилиши тўғрисида хабардор қилиш тартиби ва уларнинг устав фондларида (капиталларида) улушли иштирок этиш тўғрисида низомнинг[1] 2-банди)*. Хориждаги корхонанинг устав фондига муассиснинг ҳиссасини шакллантириш учун:

а) устав фондига пул маблағлари киритилганда – **Ўзбекистон Марказий банкининг рухсатини олиш** керак;

б) хорижда барпо этилаётган корхонанинг устав фондидаги ўз улушини товарлар, мол-мулк, жиҳозлар *(бундан кейин – товар)* билан шакллантириш чоғида – хорижда корхона рўйхатдан ўтказилишига қадар **товарларни олиб чиқишни «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимида расмийлаштириб** (товарларни олиб ўтишнинг хусусияти «товарларни инвестициялар сифатида олиб чиқиш» сифатида кўрсатилади), **божхона органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши** лозим:

юридик тартибда рўйхатдан ўтказишга қадар хориждаги корхона устав фондининг бир қисмини киритиш зарурлигини кўрсатган ҳолда **товарлар олиб чиқилишини расмийлаштириш тўғрисида ариза;**

хорижда **корхона барпо этиш тўғрисида қарор;**

муассиснинг бюджет олдидаги **қарзи бор-йўқлиги тўғрисида солиқ органларининг маълумотномаси.**



**Муассис хориждаги корхонани уни барпо этиш мамлакатининг рўйхатдан ўтказувчи органида** товарлар божхона чегарасини кесиб ўтган ёки пул маблағлари ўтказилган санадан бошлаб **6 ойдан кечиктирмай давлат рўйхатидан ўтказади.** Шундан сўнг у **бир ой ичида хорижда корхона барпо этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини хабардор қилиб,** тасдиқланган, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан, у бўлмаган тақдирда Россия Федерациясининг консуллик муассасаси томонидан легаллаштирилган таъсис ҳужжатларини тегишли таржимаси билан юборади.

[1]*ТИАА, ИВ, ТИВ, МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг АВ томонидан 2001 йил 27 февралда 1012-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

***Жавобларни «Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.***

Истеъмолчига ёрдам

# ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА ЭКСПЕРТИЗА ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ?

***Шундай вазиятлар бўладики, сотиб олинган товарни ёки кўрсатилган хизматни сифати бўйича истеъмолчи ва сотувчи (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) ўртасида низо чиқади. Бундай ҳолларда, истеъмолчи товар/хизматни экспертиза қилишни талаб қилиб сотувчига мурожаат қилиши мумкин ёки ўзи мустақил равишда экспертиза қиладиган ташкилотни топиб, унга мурожаат қилиши ва нуқсонли товарни экспертиза қилиши мумкин.***

Бажарилган иш бўйича эксперт экспертиза хулосасини ёхуд буюртмачининг хоҳишига кўра суратлар илова қилинган ҳисоботни тайёрлайди. Ушбу ҳар иккала ҳужжат бир хил юридик кучга эга, ва истеъмолчи (харидор)нинг судга даъво билан мурожаат қилиши учун ва унинг даъвосига жавоб тариқасида асос бўлиб хизмат қилади. Экспертиза хулосаси харидорга ҳам керак, сабаби у сотувчи (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) томонидан ўтказилган экспертиза хулосасидан норози бўлган, ёхуд баъзи сабабларга кўра сотувчи ўз кучи билан экспертиза ўтказа олмаган тақдирда. Бундан ташқари, экспертиза суд ажримига кўра ҳам ўтказилади.

Истеъмолчи шунингдек товар экспертиза қилинаётганида иштирок этиши, ёки ўзининг вакили–экспертиза хулосаси тўғри берилганми ёки нотўғрилигига ишонч ҳосил қила оладиган мутахассис-экспертни юбориши мумкин. Товарни сифатини экспертиза қилиш бўйича берилган даъвода экспертизада ўзингизни ҳам иштирок этишингизни билдирган ҳолда албатта ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш керак.

Эксперт томонидан текширилаётган товарда нуқсон топилган ёки кўрсатилган хизмат сифатсиз бажарилгани аниқланган ҳолда мустақил товар экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сотувчи томонидан истеъмолчига тўлиқ ҳажмда қопланиши керак.

***Материал www.istemolchi.uz сайтидан олинди.***

